

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2007 йил, 15 январь, Душанба

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. У «Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ҳудудида ишлаб чиқарилаётган дори воситалари, вакциналар ва иммунобиологик дори-дармонлар, тиббий аҳамиятга молик буюмлар ва тиббий техника воситалари билан таъминлаш тўғрисида»ги битимнинг Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ижросига бағишланди.

● Кеча Тошкент Давлат шарқшунослик институтида юртимизга ташриф буюрган Покистон Ислмо Республикаси парламентининг Сенати аъзоларидан иборат делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Унда институт профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан ташқари урдушунос олимлар ва мутахассислар ҳам иштирок этишди.

● «Қамолот» ЁИХ ташаббуси билан Андижондаги ҳарбий қисмларнинг бирида «Бали, йигитлар!» кўрик-танлови ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 15 йиллигига бағишлаб Андижон гарнизони ҳарбий қисмларида уюштирилган кўрик-танлов ғолиблари юқоридаги тадбирнинг қатнашчилари бўлишди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар аёллар қанотининг ўрни» мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон ХДПнинг фаол аёллари, партиянинг шаҳар, туман кенгашлари вакиллари ва институтнинг илмий ходимлари қатнашди.

● «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида «Мустақиллик, экология ва саломатлик» мавзусига бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда виллоят тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда шифокорлар хизмат кўрсатишининг сифатини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

● Хоразм виллоят кардиология маркази АКШнинг «Филлипс медицинка систем» компаниясининг 80 миллион сўмлик қийматга эга эхокардиографи билан жиҳозланди. Унга ўрнатилган қўшимча датчик тўғрйли юрак-кон томир касалликларига аниқ ташхис қўйиш мумкин.

● «Ўрганч экскаватор заводи» акциядорлик жамияти тўғрйлигида ўз фаолият йўналишини ўзгартирмоқда. Корхонани Швейцария металлургия компанияси харид қилди. Эндиликда бу ерда сув ва газ тармоқларини ўтказишда фойдаланиладиган ҳар хил диаметрдаги нобб металл қувурлар ишлаб чиқарилади.

● Галлаурол туманидаги «Қўйтош» давлат корхонаси ўрнида «Қўйтош қони» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси иш бошлади.

● Фарғонадаги Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги виллоят театри жамоаси жорий йили янги сахна асари билан кутиб олди. Ушбу санъат масканида Инобат Турсуновнинг «Заҳарли томчилар» драмаси муҳлисан ҳукмига ҳавола қилинди.

● Янги йилнинг дастлабки ойда Қорувулбозор шаҳрида янги соғломлаштириш мажмуаси ишга тушди. Замонавий иншоотнинг лойиҳа-смета қиймати 450 миллион сўм бўлиб, уни «Амувухороканалкурлиш» акциядорлик жамиятининг қурилиш-монтаж бошқармаси ишчилари бунёд этишди.

ЖАҲОНДА

● Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан АКШ Давлат котиби Кондолиза Райс кеча Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос билан мулоқотда бўлди.

● АКШнинг Греция пойтахти Афинада жойлашган элчихонаси ҳудудида портлаш содир этилди. Портлаш элчихона биносининг ташқарисида юз берган бўлиб, унинг сабаблари аниқланмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, портлаш оқибатида ҳеч ким талафот қўрмаган ва элчихона биносига ҳам жиддий зарар етмаган.

● Россия ҳукумати хорижлик инвесторларга мамлакат банклари акцияларини сотиб олишга рухсат берди. Эндиликда хорижликлар молия муассасаларининг акцияларини харид қилишда Марказий банкдан розилик олмайдилар. Бинобарин, Россия банклари акцияларининг тез орада биржа савдоларига чиқарилиши кутилмоқда.

● «Ироқ ислом армияси» гуруҳи Молдовага тегишли бўлган «АН-26» русумли самолётнинг Бағдод яқинида ҳалокатга учрашига жавобгарлиқни ўз зиммасига олди.

● Испаниянинг Бильбао шаҳрида яқинда Баррахохс аэропортида содир этилган портлаш оқибатида ҳаётдан қўз юмган икки нафар эквадорликни хотирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Шимолий Американинг марказий штатларида кучли қор бўронлари катта қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Миссури ва Колорадо штатларида об-ҳаво мураккабликлари тўғрйли фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ушбу ҳудудда кучли қор бўронлари етти кишининг ҳаётига зомин бўлди. Техасда эса тинимсиз ёмғирлар кучли сув тошқинларини келтириб чиқарди.

● Англиянинг «Ливерпуль» футбол клуби сардори Стивен Жерард Британия империясининг олий ордени (Member of the British Empire - MBE) билан тақдирланди.

МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ХИМОЯЧИЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЗАМИНИДАГИ БУГУНГИ ТИНЧ ВА ОСУДА ҲАЁТ, ФАРОВОНЛИК ХАЛҚИМИЗГА ИСТИҚЛОЛ БАХШ ЭТГАН БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРДАНДИР. ЖАМИЯТИМИЗДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТМОҚДА. БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА СИЁСАТ НАТИЖАСИДИР. БУ ЭСА КУЧЛИ ДАВЛАТ ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мустақиллигининг муҳим қафолати, озод ва обод Ватанимизни ҳар қандай тажовузлардан химоя қилишга қодир ишончли қалқондир. Шу кунларда мамлакатимизда Ватан химоячилари кўни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 12 январь кўни ушбу байрамга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат таълими янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислам Каримовнинг Ватан химоячиларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г.Аъзамова ва Ўзбекистон халқ артисти Ё.Ахмедов Ватан химоячиларини байрам билан табриклади.

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий ахиллиги, республикамиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилган таъкидланган. «Мудофаа

тўғрисида» ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужассам этган.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишдан қўзланган асосий мақсад унинг мудофаа қобилиятини ошириш, мамлакатимиздаги бугунги янги шарт-шароитларга жавоб берадиган ҳамда мустақил тараққиётимизни таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришга қодир бўлган Қуролли Кучларни барпо этишдан иборатдир. Шу мақсадда Қуролли Кучларни ташкил этишнинг янги модели яратилди ва жорий этилди. Бугун армиямиз энг замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, моддий-техника воситалари билан жиҳозланган.

Ҳарбий қисмларнинг тузилмаси такомиллаштирилди, ҳарбий округлар ташкил этилди, мураккаб вазиятларда тезкор ҳаракат қиладиган махсус бўлинмалар тузилди.

Давр талаби, мамлакатимиз ва хорижда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Янги ҳарбий-ўқув юрталари – сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди. Бу мактабларда ўқитиш жараёнида юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори ҳарбийларни тарбиялашга қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КЎНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОҲАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОҲАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОҲОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фавқий ўнвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»
Магдиев Нигматжан Арипханович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»
Абдухалилова Мухаррам Ташпулатовна — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ашула ва ракс ансамблининг хонандаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси»
Колотова Римма Георгиевна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг катта ўқитувчиси

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидоийлик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни химоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукоҳотлансин:

«Меҳнат шўхрати» ордени билан
Ачилов Шавкат Джуманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош жароҳи

«Меҳнат шўхрати» ордени билан
Ачилов Шавкат Джуманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош жароҳи

«Меҳнат шўхрати» ордени билан
Ачилов Шавкат Джуманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош жароҳи

«Меҳнат шўхрати» ордени билан
Ачилов Шавкат Джуманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош жароҳи

«Меҳнат шўхрати» ордени билан
Ачилов Шавкат Джуманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош жароҳи

олий курсининг бошлиғи

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Курбанов Нодир Азизович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — махсус оператив бўлими бошлиғи

Саидов Айбек Азатович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округнинг бригада командири

Сайфутдинов Ильяс Радикович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Дўстлик» ордени билан

Литвякова Ольга Ивановна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ички ишлар бошқармасининг инспектори

Усманов Ильдирустамович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

қилиш билан боғлиқ хизмат сафарлари харажатларини тўлаш, маҳаллий ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта ихтисослаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни молиялаш «Ўзбекнефтьга» МХК акционерлик компаниялари ва корхоналари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекнефтьга» МХК И.М.Губкин номидаги РДНГУ билан биргаликда:

бир ой муддатда 2007/2008 ўқув йилида таълим босқичлари ва йўналишлари бўйича Филиалга қабул қилинадиган талабалар сони юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

икки ой муддатда Тошкент шаҳрида Филиални ташкил этиш бўйича таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиалининг Вазирлар Маҳкамасига шайхсий таркиби 3-иловага мувофиқ маълумлансин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, И.М.Губкин номидаги РДНГУ:

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КЎНИ

Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

● «ЎЗБЕКИСТОН темир йўлари»

Давлат акциядорлик компанияси қошидаги «Салор темир йўл масофа» корхонасида уюштирилган йиғилиш ўтган йилда бажарилган ишлар сарҳисоби ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишланди.

● **ВАТАН** химоячилари кўнига бағишлаб Мудофаа вазирлиги, «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида «Ҳуқуқимиз билимдон» мавзусида уюштирилган кўрик-танловда шахримиздаги ҳарбий қисмларда хизмат қиладиган зукко, билимдон аскарлар беллашишди.

● **ВАТАН** химоячилари кўни муносабати билан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Сергели туман таянч масканлари ҳамкорлигида 37-оилавий поликлиника шифокорлари иштирокида тумандаги ҳарбий қисм хизматчилари тиббий кўриқдан ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** таълим марказида педагоглар иштирокида ўтказилган ўқув семинарида «Ўзбекистон» нашриёти томонидан 2006-2007 ўқув йилида 1-синф ўқувчилари учун яратилган дарсликларнинг аҳамияти борасида сўз борди.

● **КИЧИК** бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Чилонзор туман ҳокимлиги қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини бошлади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** мультфильмлар бирлашмасида соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбирда мультфильмларнинг бола тарбиясидаги аҳамияти ҳамда бу борада юртимизда бажарилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика нефть-газ тармоғи учун олий маълумотли малакали кадрлар тайёрлаш янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. «Ўзбекнефтьга» миллий ҳолдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг (бундан буён – И.М.Губкин номидаги РДНГУ) Тошкент шаҳрида И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиалини (бундан буён – Филиал) таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

И.М.Губкин номидаги РДНГУда қабул қилинган таълим дастурлари ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумэтироф этилган халқаро талаблар, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ республика нефть-газ тармоғи учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш Филиалнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

2. И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал И.М.Губкин номидаги РДНГУнинг алоҳида таркибий бўлинмаси бўлиб, 2-иловага мувофиқ, келишилган асосий йўналишлар (мутахассисликлар) бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда барча даражадаги мутахассисларни, шу жумладан илмий-педагогик кадрларни тайёрладиган олий ўқув юрти ҳисобланади;

Филиал фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади; абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш И.М.Губкин номидаги РДНГУ томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиалда ўқитиш И.М.Губкин номидаги РДНГУ томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари бўйича олиб борилади; Филиал битирувчиларига И.М.Губкин номидаги РДНГУни тугатганлик ҳақида берилган белгиланган намунадаги диплом Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат, деб тан олинади; Филиални ташкил этиш, ўқув-моддий базасини шакллантириш ҳамда И.М.Губкин номидаги РДНГУ мутахассисларини жалб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУКУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хамракулов Мурожидин Патидино-вич—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ командири ўринбосари

«Жасорат» медали билан Абдижапаров Кайпназар Наметуллаевич—Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

Абдукадиров Шавакат Хамидович—Фарғона вилояти божхона бошқармасининг муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Абдуллаев Орифхон Бобкулович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми гуруҳ командири

Азизов Асатулла Тошпўлатович—Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳарбий ҳаво кучлари бошқармасининг бош муҳандиси

Аймурадов Қуанышбай Юлдашевич—Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг темир йўл божхона пости бошлиғи ўринбосари

Акрамов Жасур Косимович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Аликулов Урал Менгбайевич—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ командири

Антипин Олег Октабринович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ахмаджонов Дониёржон Комилович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости фельдшер

Ашуров Салоҳитдин Саматович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Валиев Махмуд Шералиевич—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округининг Сержантлар тайёрлаш мактаби взводи ўқичиси

Волков Андрей Владимирович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Гордеев Дмитрий Алексеевич—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлимининг катта нозир

Девонов Улугбек Маматкулович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дехонбаев Иброҳим Имамкулович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дзюба Дмитрий Евгеньевич—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Еров Нахиддин Нурмамадович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи ёрдамчиси

Захидов Зоҳиджон Абдувахидович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исхаков Лутфулла Сагдуллаевич—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлимининг бўлинка бошлиғи

Камиллов Сергей Леонидович—Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳарбий ҳаво кучлари ўқув вертолёт эскадрильяси командири

Каримов Зафаржон Махмудович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони ҳайдовчиси

Каримов Рустам Худайорович—Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қидирув-қутқарув гуруҳи кутқарувчиси

Квон Владислав Валериянович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводнинг гуруҳ саёри

Комилов Миржалол Хасанбаевич—Сирдарё вилояти Ховос тумани ички ишлар бўлимининг катта тезкор вакили

Коракулов Равшан Усманович—Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Курбанов Аскаралли Турсункулович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг взвод командири

Курбанов Фахриддин Камалович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жануби-Ғарбий ҳарбий округининг взводи ўқовчиси

Маджитов Энвар Нариманович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг батальон командири

Маликов Шоди Хасанович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамажонов Махмуджон Мирзошарифович—Фарғона вилояти Сўх тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

Махкамов Шавакатжон Гуламжонович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг взвод командири

Мирсаатов Йўлчи Худайбердиевич—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Нематов Тимур Болтаевич—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рахимов Нематжон Махмудович (марҳум)—Наманган вилояти Пол тумани ички ишлар бўлимининг инспектори

Розумов Равшанбек Адамбаевич—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Рустамов Эркин Бобкулович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жануби-Ғарбий ҳарбий округи бригадасининг секция командири

Рўзинов Иномжон Мўминович (марҳум)—Наманган шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмининг ўт ўчирувчиси

Сантов Мурод Мансурович—Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Келес» темир йўл божхона пости катта инспектори

Сайдалиев Сайитдин Кучкарович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бригада командири

Салимов Ғолибжон Абдусаматович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон радиостанцияси бошлиғи

Серкабаев Бахтиёр Абилович—Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг кичик инспектор-кинолог

Тешабоев Махаммаджон Уракович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Турамирзаев Ахмадулла Мирза-

махмудович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг назоратчиси

Турдиохунов Солижон Ахмаджонович—Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг отлик гуруҳ командири

Умаров Сардорбек Раҳимжонович—Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

Хазиев Закир Рауфович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батарея командири

Хайтов Эшбой Махмудович—Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Сурхондарё вилоят бошқармасининг бўлими бошлиғи

Хамидов Анвар Олимжонович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округининг взвод командири

Ходиев Учкун Мансурович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жануби-Ғарбий ҳарбий округининг бригада командири

Худайкулов Озотжон Ахматкулович—Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бўлимининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Эргашев Бобир Ибрахимович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари

Эштаев Улугбек Джуманович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг йўриқчиси

Юлдашев Маруфжон Махаммаджонович—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округининг взвод мутахассиси

Юлдашев Миродилжон Джабборалиевич—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг взвод мутахассиси

Юнусов Алишер Тулкунович—Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Халимов Валерий Михайлович—Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари бош бошқармасининг батальон командири

«Шуҳрат» медали билан Алламерганов Менгес Мамутович—Қорақалпоғистон Республикаси Элиқалъа туманининг мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

Алланазаров Ваҳиджон Адилжонович—Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг катта терговчиси

Багманов Улдош Гайсиевич—Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг қурол-аслаҳа синовчиси

Гулямов Эльдор Равшанович—Ўзбекистон Республикаси Президентининг

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,

2007 йил 12 январь.

ТОШКЕНТ — ИСЛОМ
МАДАНИЯТИ
ПОЙТАХТИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДА
ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ
ПОЙТАХТИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИГА
БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР
БЎЛИБ ЎТДИ.

Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан ислом маданияти ривожига алоҳида ўрин тутди. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссасини дунё тан олган.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, аждодлар қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Буюк аллома ва азиз авлиёлари-миз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридид, Бурҳониддин Марғиноний сингари беназир алломаларнинг му-брак номлари қайта тикланиб, уларнинг ме-росини ўрганишга эътибор кучайди. «Масжи-ди Калон», «Шоҳи Зинда», «Кўкғумбаз» каби кўплаб масжид ва мадрасалар қайта таъмир-ланди. Бу ўзгаришлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда ва юқори ба-ҳоланмоқда.

Ислом конференцияси ташкилотининг тузил-маларидан бири бўлган Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳ-рининг 2007 йилда ислом маданияти пойтах-ти деб эълон қилиниши Ўзбекистон, хусусан унинг пойтахти ислом цивилизацияси тарихи-да ўзига хос ўринга эга эканидан яна бир далолатдир.

Бу оламшумул воқеа республикамизда ва хорижда катта қизиқиш уйғотди. Шу муноса-бат билан мамлакатимизда мазкур шарафли эътирофга бағишланган, йил бўйи давом эта-диган илмий-амалий, маданий ва маънавий-маърифий тадбирлар бошланди.

Тошкент Ислом университетига бўлиб ўтган «Тошкент – 2007 йилда ислом маданияти пой-тахти» мавзuidaги илмий-амалий семинар ҳам ана шу воқеага бағишланди.

Семинарда университет профессор-ўқитув-чилари, талабалар, Ўзбекистон Фанлар ака-демияси, Тошкент Давлат шарқшунослик ин-ститутининг, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмон-лари идораси вакиллари ҳамда оммавий ах-борот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда Тошкент шаҳрининг ислом ма-данияти пойтахти деб эълон қилиниши улкан тарихий-маданий ва сиёсий воқеа экани, пой-тахтимизнинг ҳақиқатан ҳам бундай шарафга муносиблиги ва бу борада кўплаб далиллар келтириш мумкинлиги таъкидланди. Тошкент — азалдан минтақамиз тарихида муҳим ўрин тутган қадимий шаҳардир. У турли даврларда жаҳон динлари туташган марказ бўлиб кел-ган ва ислом тамаддуни тарихидаги ўрни бе-қийёсдир.

Хозир Ўзбекистонда икки мингдан ортиқ масжид, ўндан зиёд олий ва ўрта махсус би-лим юрти фаолият юритмоқда. Улардан Тош-кент Ислом университети, Тошкент Ислом ин-ститутини айнан пойтахтимизда жойлашган. ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон аҳамиятига молик ёдгорликлар рўйхати»га киритил-ган Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшу-нослик институтининг Шарқ қўлёзма асарла-ри фонди ҳамда «Усмон Қуръони»нинг нодир қўлёзма нусхаси ҳам Тошкентда сақланмоқ-да.

Қўхна тарихга эга Тошкент айниқса муста-қиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бугун бу қадимий ва ҳамisha навқир-он шаҳар бетакрор тарихий ёдгорликлари билан дунё аҳамиятига молик сиёсий, иқти-содий ва маданий марказ ҳисобланади.

Семинар иштирокчилари Тошкентнинг ис-лом маданияти пойтахти деб танланишида Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳиссаси катта эканлигини алоҳида таъкидладилар. Юртбошимиз раҳнамолигида виждон эркин-лигини таъминлаш, диний анъана ва удум-ларни тиклаш ва ривожлантириш, ислом дини маданияти ёдгорликларини таъмирлаш ва обо-донлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда шарқшунослар, тарихчи олим-лар ва уламоаларнинг «Ўзбекистон – ислом дини маданиятининг анъанавий марказлари-дан бири», «Ҳаётбахш маънавий мерос», «Тош-кент - ислом цивилизацияси бешиги», «Юр-тимиз алломаларининг ислом дини мадания-ти ривожига тутган ўрни», «Марказий Осиё алломаларининг Ўзбекистон кутубхоналарида сақланаётган илмий мероси» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Семинарда муҳокама этилган масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Тош-кент - ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинишига бағишланган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва юқори савияда ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг Давлат маслахатчиси Б.Абдуҳа-лимов иштирок этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎЗА мухбири

МУСТАҚИЛ
ИШОНЧЛИ
ЮРТИМИЗНИНГ
ҲИМОЯЧИЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистоннинг олий ҳарбий билим юртиларида кадрлар тайёрлаш тизими изчил тақомиллаштирилмоқда. Тошкент умумқўшин, Чирчиқ танк ва Самарқанд автомо-били олий ҳарбий қўмондонлик билим юртилари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент Ахборот технологиялари университетига алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда Марказий Осиёдаги дастлабки Қуролли Кучлар ака-демияси ташкил этилди. Ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилди. Ташкилотчилик кўник-маларига эга, билимдон, мустақил ҳаракат қиладиган ва ҳар қандай шароитда тўғри қарорлар қабул қилишга қодир юқори малакали офицер-мутахассисларни тайёрлашга қаратилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда бир йиллик муддатли ҳарбий хизматта қақурув танлов асосида амалга оширилмоқда. Ҳарбий хизматнинг мутлақо янги тури – сафарбарлик қақурув-и резерви ташкил этилди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида Қуролли Кучларимиз сафлари яхши тайёрланган, жисмоний ва интеллектуал даражаси юқори йигитлар билан тўldирилмоқда.

Юртимизда яшаётган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи бўлиши – Қуролли Кучлар сафига хизматининг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ҳарбий хизмат ёшлари-мизни нафакат жисмонан ва маънан чинқиртирмоқда, балки уларнинг руҳи, иродаси-ни тобламоқда, жасорати, интилувчанлигини кучайтирмоқда, уларда ватанпарвар-лик, ўз юрти ва халқига садоқат каби ҳислатларни шакллантирмоқда. У ёшлар учун ҳақиқий ҳаёт мактаби вазиёфсини ўтамоқда.

Сўнгги йилларда Президентимизнинг ҳарбий хизматни ўташ шароитларини ях-шилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига янги имтиёзлар беришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ҳарбий шаҳарчалар ободонлаштирилмоқда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг oilаларининг коммунал ҳамда ижтимоий-маиший шароитлари тобора яхшиланимоқда. Аскар абитурентлари олий ўқув юртига ки-ришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг 25 фоизи миқдорига балл қўшиб бериш имтиёзи яратилди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ўз сама-расини бермоқда. Мустақил экспертларнинг фикрича, Қуролли Кучларимиз бугун Марказий Осиёда энг яхши жиҳозланган ва жанговар тайёргарлиги юқори армия ҳисобланади. Шундай бўлиши табиий, албатта. Негак, Ўзбекистон минтақда тинч-лик, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Профессional ва иродаси мустаҳкам миллий армиямиз демократик давлат ҳамда фуқаролик жаҳиятини барпо этиш жараёнига ҳеч қандай таъсир куч ва таҳдидлар раҳна сола олмаслигини мустаҳкам қаболтайдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалти-риш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизлиқни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тар-биялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштиро-қи учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ордени, медали ва фахрий унвонлар билан тақдирланди. Ингилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топши-рилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан подполковник У.Ходиев ва сержант С.Турдиохунов Президент Ислом Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатилган доимий ғамхўрлиги ва эътибори учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида уч босқичли танлов ўтказиш яхши анъанасига ай-ланган. 2006 йилда ҳам ҳарбий қисмлар, ҳарбий округлар, Қуролли Кучлар миқёси-да ана шундай танлов ўтказилди. Ингилишда энг яхши сержант, гуруҳ, взвод ва батальон командири деб топилган танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо соғалар топширилди.

Ватан ҳимоячилари кўни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 15 йиллигига ба-ғишланган тантанали йиллиш катта байрам концерти билан яқунланди.

Ингилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
Н.ОЧИЛОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

илгор педагогика ва ахборот технологиялари, фан ва олий таълимнинг энг янги ютуқларини ўқув жараёнига жорий этишга; геология, бургулаш ва углеводород хомашёси-ни қазиб олиш йўналишлари бўйича мутахассис-лар малакасини ошириш ва Филiaal профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлашга;

Филiaal кутубхона фонддини шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-усулбий ва илмий-тех-ник адабиётлар билан тўldиришга ёрдам беради.

7. Белгиланган йўналишда, Филiaal фаолиятини молиялаштириш:

давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажрати-ладиган давлат грантлари шаклидаги маблағлар;

тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллан-тирилган маблағлар ҳамда хомийлар ва қўнун ҳужжатларида таққиланган бошқа манбалар маб-лағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги И.М.Губкин номидаги РДНГУ Филiaalида давлат грантлари асосида ўқиган битирувчилар республика нефть-газ тар-моғи корхона ва ташкилотларида камиди уч йил ишлаб бериш шарти билан ишга таққилланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: 2007/2008 ўқув йилидан бошлаб, Филiaalга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ошмайдиган қисмига давлат грантлари бўйича ўқитиш учун ҳар йили давлат бюджетидан маблағ ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳамда «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси заҳира фондидан Филiaalни зарур ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан жиҳозлаш ва кутубхона фонддини шакллантириш учун маблағ ажратсин.

9. Филiaalни жиҳозлаш ва унинг фаолият кўрсат-иши учун республикага олиб келинадиган уску-налар, адабиёт, мультимедия махсуслотлари, ин-вентар ва моддий-техника ресурслари, истисно тариқасида, 5 йил муддатда божхона тўловлари-дан (божхона расмийлаштирув йиғимларида та-шқари) озод этилсин.

10. Белгиланганки, И.М.Губкин номидаги РДНГУдан жалб қилинадиган профессор-ўқитув-чиларнинг хизмат сафари жаражатларини тўлаш:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат са-фари бўйича — Россия Федерациясининг олий ўқув

юртлари ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ;

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН ЯЎЛИ ЙИГИЛИШИДА «МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ СЕНАТОРЛАР ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНДИ.

Ававало шуни айтиш жоизки, ушбу қонун 2 моддадан иборат. Унинг биринчи моддаси биринчи банди билан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг «Транспортдаги, йўл ҳўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган XI боби янги 128-модда, яъни транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши учун маъмурий жавобгарлиқни назарда тутувчи меъёр билан тўлдирилди.

Мазкур меъёр икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчилар телефондан фойдаланса, жарима солиниши, иккинчи қисмида эса айни шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий ҳожд қўлланилгач, бир йил давомида такрор содир этилса жарима солиш ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этишга сабаб бўлиши қайд этилган.

Ҳеч кимга сир эмас, кўпчилик ҳайдовчилар транспорт воситасини бошқариш вақ-

тида уяли телефон орқали сўзлашиб, нафақат ўз ҳаёти, балки бошқаларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳам хавф тўғдиради.

Бундан ташқари, аҳолининг уяли телефонлардан фойдаланиши йилдан йилга ортиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, жорий йил бошида уяли телефонлардан фойдаланувчилар икки миллион кишини ташкил этган бўлса, йил охирида уларнинг сони икки мартага ортиши кўтилмоқда.

тўғдириши мумкин. Яна шуни таъкидлаш жоизки, транспорт воситасини бошқариб бораётган ҳайдовчи қўли билан уяли телефон рақамини териши ёки кўнғирокни қабул қилиш учун телефон тугмачасини босишда чалғийди. Бундан ташқари, автомобилни бошқариш вақтида телефондан фойдаланиш ҳайдовчининг қўриш доирасига катта таъсир кўрсатади. Бу атраф умумий кўринишининг чегараланишига олиб келади, бу вақтда та-

да ҳайдовчиларнинг уяли телефондан фойдаланган ҳолда транспорт воситасини бошқариши ҳам сабаб бўлган.

Шунингдек, янги қонунда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида» ги кодексга киритилаётган 128-модданинг биринчи қисмидаги ҳуқуқбузарлик ички ишлар (милиция) идоралари, жумладан, давлат автомобиль нazorати бўлимаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари, йўл-патруль хизмати қомандири ёки унинг ўринбосари, давлат автомобиль инспектори томонидан қўриб чиқилиши ва ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ишлар қонуннинг 1-модда, иккинчи бандига киритилаётган тўлдириш билан суд томонидан қўрилиши айтилган.

Қонуннинг 1-моддаси, 4-бандига биноан мазкур тоифадаги маъмурий ишларни ҳал қилиш ваколати юклатилган ички ишлар идораси ҳуқуқбузарлик содир этган шахсини маъмурий йўл билан ушлаб туриши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг амалга жорий этилиши транспорт ҳодисасининг камайиши, фуқароларнинг ҳавфсизлиги ва соғлиғини таъминлаш, шунингдек, бу турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мавжуда РАҲАБОВА,
юридик фанлари доктори

Конун ва ижро

ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Мутахассис ва экспертларнинг таҳлилига кўра, транспорт воситасини бошқариш чоғида уяли телефондан фойдаланиш транспорт ҳодисаси содир этилиш эҳтимолини уч-олти марта кўпайтиради экан. Аниқроқ айтганда, бундай вазиятда ҳайдовчи чалғиши, транспорт воситасини эътиборсиз бошқариши, ён-атрофдаги транспорт воситаларининг тезлиги ёки оралиқ масофани сақлашга бепарволик билан қараш оқибатида хавф


шқаридан маълумот қабул қилиниши кийинлашади.

Бунинг устига Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган маълумотларда ўтган йилнинг 9 ойи давомида рўй берган 7801 та транспорт ҳодисаси натижасида 682 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмган, 3587 нафари турли даражада тан жароҳати олган. Айтиш керакки, юқорида қайд этилган ҳодисаларнинг содир бўлишида эса айрим ҳоллар-

ҚИШКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИ БИЛИМДОН ЎҚУВЧИЛАР УЧУН СИНОВЛАР ДАВРИДИР. УЛАР ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИДА ҚАТНАШИБ, ЯНА БИР БОР ЎЗ БИЛИМЛАРИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИБ ОЛАДИЛАР.

Мирзо Улўбек туманидаги 50-мактабда беш кун давомида фан олимпиадаларининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Йилдан-йилга олимпиададаги қизиқиш, унинг имтиёзларидан фойдаланишга интилиш кучайиб, иктидорли ўқувчиларни саралаш ишига масъулият ҳам ортиб бормоқда.

— Фан олимпиадасининг шаҳар 3-босқич беллашувида 9-синфдан 192, 10-синфдан 188, 11-синфдан 203, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан 325, жами 908 нафар ўқувчи иштирок этди, — дейди ташкилий қўмита аъзоси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуманноп Собиров. — Ҳайъат аъзолари Низом асосида ишлаб, амалий иш, иншо, лаборатория топшириқлари, оғзаки суҳбат натижаларини



БИЛИМДОНЛАР СИНОВИ

ўша куннинг ўзида эълон қилди-лар. Ҳар бир аудитория раҳбари назоратчи ва ота-оналар ҳайъат аъзоларининг баҳолаш жараёнини кузатиб, ёзма ишлар қатнашувчининг исми-шарифи номаълум ҳолда текширилаётганлигига ғувоҳ бўлдилар. Мақсад — энг иқтидорли, энг кучли қатнашчиги республика босқичига олиб чиқиш эди. Зеро, улар пойтахт шарафини химоя қиладилар.

Биология фанидан олимпиада 3 турда ўтди. Қатнашчилар «Қоннинг шаклий элементлари» мавзусида лаборатория ишини бажардилар. Кимё фанидан ҳам олимпиада

қизғин ўтди. Ўқувчилар физика, математика, кимё фанларига оид бўлган 6—7 даражадаги мураккаб масалаларни ечдилар. «Анорганик кимёдан рақамланган 8 та номаълум эритмалардан фойдаланиб, ҳар бир рақамланган пробиркадаги моддаларни сифат жиҳатдан аниқлаш» мавзусидаги лаборатория ишини бажардилар.

—Тест топшириқларидан энг юқори — 50 балл тўплаган қатнашчилар ҳам бўлди, лекин масалаларни ечишда қўйналганлар ҳам учради, — дейди ҳайъат аъзоси Ойбек Холиқов. — Балки шунинг учундир 3-фахрли

ўрин бўш қолди.

Демак, голиб аниқ фанлардан ҳам билимдон, ҳам зукко, ҳам мантикий фикрлаши кучли бўлмоғи керак.

Она тили ва адабиёти, ўзбек тили фанларидан қатнашчилар ишга ёздилар. «Ҳар доим бўлсин, онам!», «Буюк аждодларимиз», «Табиат ва мен» мавзусида русий забон ўқувчилар ёзган ишлар эътиборни тортди. «Лутғиф — туюқ устаси», «Устоз отангайи улуг» мавзуларида она тилидан ёзилган ижодий ишларда мумтоз адабиёт, устозга эҳтиром йўғрилган сатрларни ўқиб

ҳаяжонланасиз. Айниқса, Дурдона Авазова, Вазира Мамадалиева, Зафар Раҳимов, Камолитдин Мавлоновларнинг китобхонлиги, ёд олган шеърлари, адабиёт назариясига оид саволларга берган жавобларидан ҳайъат аъзоларининг кўнгли тўлди.

Яқунга кўра Юнусобод, Собир Раҳимов туман ўқувчилари юқори кўрсаткичларни кўлга киритдилар.

Махмуда ЗОИРХОН қизи СУРАТЛАРДА: олимпиаданинг ҳаяжонли лаҳзаларидан лаҳзалар Владимир Гранкин олган суратлар

ДЕҲЛИ ЎЗБЕК САНЪАТКОРЛАРИНИ ОЛҚИШЛАДИ

ДЕҲЛИДА 9-«БҲАРАТ РАНГ МАҲАТСАВ — 2007» ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЯПОНИЯ ЖАМҲАРМАСИ ВА ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ ДРАМА МАКТАБИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ МАДДАНИЙ ТАДБИРДА ЎЗБЕКИСТОН, ҲИНДИСТОН ВА ЭРОН ТЕАТР САНЪАТИ УСТАЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

«Бҳарат Ранг Маҳатсав»нинг бу йилги тўққизинчи анжумани қадимги Грециянинг афсонавий қахрамон аёллари образларини яратишга бағишланди. Ўзбекистон халқ артисти Малика Иброҳимова (Ўзбекистон Академик Миллий театри), Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойқонова, актёрлар Мирзажон Азизов (Муқимий номидаги Ўзбекистон Давлат мусикали театри), Аббор Йўлдошев (Ёшлар театри), Фатхулло Ҳўжаев (Кўнғирчок театри) ва Наргиза Маъкуловадан (Ўзбекистон Давлат филармонияси) ташкил топган маданий гуруҳ аъзолари таниқли режиссёр Овлинкули Ҳожакули раҳбарлигида саҳналаштирилган «Медея» спектаклини муваффақият билан намойиш этдилар. Яна эътиборга молик жиҳати шундаки ҳамюртларимизнинг бу чиқишига театр танқидчилари ҳам юқори баҳо бердилар.

Театр форуми доирасида ҳинд санъат усталари Климентестра, эронлик актёрлар эса Иокаста образлари ҳақида ҳикоя қилувчи саҳна чиқишларини томошабинлар эътиборига ҳавола қилдилар.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар кўламлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўзбек театр усталарининг ҳинд заминидagi чиқишлари ҳам ана шу ҳамкорлик ривожига қўшилган муносиват ҳисса бўлди. Яқинда «Сўғдиёна» ўзбек миллий қолғу асбоблари оркестрининг моҳир созандалари ҳам Ҳиндистоннинг қатор шаҳарларида ташкил этилган концерт дастурларида миллий маданиятимиз дурдоналарини зўр маҳорат билан ижро этишиб, маҳаллий санъатсаварларнинг олқишларига сазовор бўлишган эди.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири
Деҳли

Танишинг, янги руқн:

Дунё пойтахтлари

ОРЗУЛАР ШАҲРИ

ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ ТАКЛИФИ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛИБ, ГАЗЕТАМИЗДА «ДУНЁ ПОЙТАХТЛАРИ» НОМЛИ ЯНГИ РУҚННИ ОЧИШГА ҚАРОР ҚИЛДИК. ШУ РУҚН ОСТИДАГИ ДАСТАВКИ МАҚОЛАНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТАЁТИРМИЗ. УШБУ МАҚОЛАДА СИЗНИ ДУНЕНИНГ НОРАСМИЙ ПОЙТАХТИ МАҚОМИНИ ЭГАЛЛАБ КЕЛАЁТГАН ФРАНЦИЯ ПОЙТАХТИ ПАРИЖ БЎЙЛАБ САЁҲАТГА ЧОРЛАЙМИЗ.

XX асрдан бошлаб бу мақомни Нью-Йорк шаҳри ола бошлаган бўлса-да, аммо бугунги кунда парижликлар уни бошқа шахарга бермасликка ҳаракат қилмоқдалар. Зеро, нозик дидилик, таъсирчанлик ва гўзаллик бобида Парижга бирор-бир шахарнинг тенг келиши қийин эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Париж узоқ ўтмишдаги удумлар ва ҳозирги замонавийликни ўзида муҳассам этган қадимий ва ер юзидagi энг катта шаҳарлардан бири бўлиб, у иккига — Париж ва Катта Парижга бўлинади.

Майдони 105 кв.метрга тенг Парижда 2 миллиондан кўп, Катта Парижда эса (1700 кв.метр ҳудудга эга) — 10 миллиондан ортиқроқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларни Сена дарёси иккига ажратса-да, аммо дарё устидаги 34 та кўприк иккала қирғоқни бир-бири билан боғлаб туради.

Париж шаҳри ҳақидаги илк маълумотлар Гай Юлий Цезарнинг «Галл уруши ҳақидаги ёзувлар» китобида учрайди. Ёзилишича, Сена дарёсининг қирғоғида яшаган шахарнинг илк ўтроқ аҳолиси галл қабилалари аждодларига бориб тақалади. Эраимиздан аввалги 52 йилда римликлар шаҳарни қўршаб олишди ва унга Лютеc номини беришди. II асрга келиб эса Лютеc Сенанинг чап қирғоғида жадал ривожланиб, шаҳар даражасига етади. Лютеc номи римликлар истилосидан сўнг ҳам, ҳозирда ҳам баъзи тарихий ёдгорликларда сақланиб қолган. Лютеcни римликлар тарқ этган, у янги Париж номини олди.


Тез-тез босқинчиликлар уюштириб турилган боис шаҳар аҳолиси Сена дарёсининг чап қирғоғини тарқ этиб, орол ҳудудида яшашга мажбур бўлди. V асрнинг охирида шаҳарни Женевьева исмли хоним бошқарган ва уни гуннлар истилосидан химоя қила олган. (Дарёнинг чап қирғоғидаги тепалиқлар ҳозир ҳам бу ҳўқмдор номи билан аталади).

497 йилда эса шаҳарни франклар босиб олади. Уларнинг қиролли ўз давлати пойтахтини шу ерга қўчириб, унга Париж номи беради. 511 йилда тахтга Хильдебберт ўтиради ва шаҳар атрофида Сенжермен шаҳарчасини қуради. 987 йилда парижлик Капет граф бугун Франциянинг қиролли этиб тайинланади. Бу эса Париж тарихида алоҳида эътиборга лойиқдир. Яъни шу йилдан бош-

лаб Париж Франциянинг пойтахти деб эълон қилинади ҳамда ўз ҳудудига эга бўлиб, жадал суръатлар билан ривожлана бошлайди. Ҳозирда Париж Франция ҳудудининг фақат икки фоизини эгаллаган бўлишига қарамадан, бу ерда мамлакатнинг 17 фоиз аҳолиси яшайди. Қолаверса, Париж пайдо бўлган вақтлардан буюн бутун дунёни ўзига мафтун этиб келаётир. XX аср ўрталаригача бу ерга доимий кўним топш учун ҳар қаердан рассомлар, ёзувчилар, сиёсатчилар, бошқа турли соҳа вакиллари қириб келган. Айниқса, шаҳар аҳолиси иккинчи жаҳон уруши ҳамда 70-йиллардан кейин муҳожирлар ҳисобига тез суръатларда ўсган. 1970-йилларда эса ёшлар ва ўрта яшар аҳоли ўртасида тенглик вужудга келди (бу бутун Фарбий Европа пойтахтларига ҳос ҳолат ҳисобланади). Орадан ўн йил ўтгач аҳоли сониди қариялар ва хориж-



ликларнинг кўпайиши кузатилди. Пойтахт аҳолисининг 25 фоизини асосан Франциянинг илгари босиб олган жойлари мустамлака вакиллари, шу жумладан Жазоир, Испания, Фарбий Африкадан келган муҳожирлар, 14 фоизини - агломератц халқлари ташкил қилади. Кейинги йилларда муҳожирлар оқимининг кескинлашуви натижасида Катта Парижнинг баъзи қисмларида турар жой муаммолари пайдо бўлди. Яъни камбағаллар сони ортиб, харобалар кўпайишига олиб келмоқда. Айни дамларда Париж шаҳрининг тўқ аҳолиси 60 фоизни ташкил этади ва унинг ўсиши миграциянинг назоратдан чиқиб кетишига олиб келмоқда. Шаҳар чегарасини кўнига, департамент назоратига кўра, 1,5 миллион аҳоли кесиб ўтади. Тахминан шулардан 900 мингтаси Парижга ё ўқишга, ё



ишга келганлардир. Қолган қисмини шаҳар атрофида ишлайдиган францияликлар ташкил этади. Шаҳар аҳолисининг 90 фоизи христиан, 2 фоизи мусулмон, 1 фоизи эса бошқа динларга мансубдир. Парижликлар асосан давлат тили — французчада сўзлашади. Аммо кўчаларда ҳар хил тиллардаги нутқларни эшитиш мумкин.

Париж —орзулар шаҳри. У дунёнинг энг кўп саёҳатчилар ташриф буюрадиган шаҳри. Бу ерга Рим, Лондон, Афинага қараганда кўпроқ туристлар келади. Аксарият кишилар эса шаҳарга ўзларининг азалий орзуларини қаноатлантириш учун, аниқроғи қалбларида баҳорни уйғотиш учун келади.

Париж Европадаги энг чиройли шаҳар ҳамдир. Эйфель минораси унинг рамзи ҳисобланади. Минора Ж.Ф.Шалыгрэн лойиҳаси бўйича қурилган. Зафар арки ундан узоқ бўлмаган жойда жойлашган. Шарль де Голь майдон — Елисей майдонидаги чикилади. Сиз ўзингизни Париждан деб тасаввур қилинг. Шаҳарни яқиндан билиб олишга вақт етмайди. Лекин асосий нарсасга диққатни қаратиш мумкин. Сите — бу Франция пойтахтининг бешиги ва бу оролчани албатта бориб қўриш керак. Сена дарёси бўйлаб сиз сузувчи трамвай («Бато-мўм»), яъни «чивин кемача»да саёҳат қилишингиз мумкин. Агар қоронғуда саёҳат қилмоқчи бўлсангиз, унда Парижнинг тунги фантастик томошасига ғувоҳ бўласиз. Кўплаб кўприқлар тағидан сузиб ўта туриб, саёҳатчи сарой ва майдонларни кўради ва улардан катта таассурот олади.

Тошкент Давлат техника университети катта ўқитувчилари Феруза Жуманарова ва Шарофат Тоғаймуродовлар таржимаси асосида
Шахло ҲОШИМОВА тайёрлади

Таълим

ТАЪТИЛ ХОРИЖДА ЎТАДИ

РЕСПУБЛИКА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИДА БҲУНГИ КУНДА 600 ДАН ОШИҚ ЎҚУВЧИЛАР РАССОМЛИК ВА МУСИҚА САНЪАТИ БЎЙИЧА ТАҲСИЛ ОЛМОҚДАЛАР. БУ МАСКАНДА ЖУДА КўПЛАБ ТАНИҚЛИ ИЖОД АҲЛИ ТАҲСИЛ ОЛГАН. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА, ГУЛНОРА МАВАЕВА, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ АЛЕКСАНДР ПЕРОВ, КўРҚМАС САГАТОВ ВА БОШҚАЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИГА КИРАДИ.

Бугунги кунда ҳам мазкур ўқув даргоҳининг нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда. Унда таҳсил олаётган ёшларнинг ютуқлари ҳар қанча мактовга сазовордир. Ўтган йиллар давомида ўқувчиларнинг 50 га яқини Халқаро болалар расмлари танловларининг олтин,кўмуш медалларига эга бўлишди. Ижтимоий химоя йили муносабати билан лицей интернатда янги режалар лойиҳаси амалга оширилмоқда.

— Биз жорий йилда энг иқтидорли ўқувчиларимизни ўқишдаги, соҳадаги изланишлари ва ютуқлари учун алоҳида рағбатлантирмоқчимиз, — дейди ўқув маскани директори Сами Содиков. —Бизнинг режамизга кўра, энг иқтидорли ўқувчилар ёзги таътил кунларини хорижий мамлакатларнинг бирда ўтказадилар. Бундан кўзланган мақсад эса, ўқувчиларимизни ўз касбларини янада мукамалроқ эгаллашга ундаш ва уларнинг ижодларини янада руҳлантириб боришдан иборатдир.

ОЧИҚ ДАРС БИЛАН БОШЛАНДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ 123-МАКТАБДА ҚИШКИ ТАЪТИЛДАН ДАМ ОЛИБ ҚАЙТГАН ЮҚОРИ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИ ИЛК САБОКЛАРИНИ «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ» ДЕБ НОМЛАНГАН ОЧИҚ ДАРС БИЛАН БОШЛАДИЛАР.

— Ушбу дарсни тўққизинчи синф ўқувчилари иштирокда ўтказдик — дейди ўқитувчи Муҳтабар Ризаева. — Бундай очик дарслар негизда ўсиб келаётган ёш авлодининг сиёсий билимини янада такомиллаштириш, уларнинг онг ва тафаккурларини бойитиш асосий мақсад қилиб белгиланади. Ўқувчиларда давлатимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тараққиёти йўналишларига мос даражадаги билимларни шакллантириш муҳим роль ўйнайди. Истагимиз, Ватанимизга ҳар томонлама баркамол, билимдон, доно ва зукко фарзандларни тарбиялаб беришдир.

ЯНГИ РЕЖАЛАР ЛОЙИҲАСИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ ҲАМ ЯНГИ ЙИЛНИ ЎЗИГА ХОС ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛДИ.

— 2007 йилнинг «Ижтимоий химоя» йили деб эълон қилиниши барчамиз учун бирдай мансур бўлди, —дейди институтнинг Маънавий-маърифий ишлар бўлими биринчи проректори Абдухалил Мавроулов. —Институтимиз жамоаси билан келишган ҳолда масканимизда таҳсил олаётган кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган талабаларга ҳар уч ойда қўшимча ёрдам пуллари ва кийим-кечаклар, турли хил озик-овқат маҳсулотлари бериб боришни режалаштириб олдик. Аслида ҳам байрам арафаларида шундай доимий уяналаримиз бор эди, лекин бу галги режаларимиз улардан кескин фарқ қилади. Шунингдек, ҳар ойда «Менинг иқтидорим» мавзусидаги тадбирларнинг ўтказилиши ҳам талабалар учун яна бир имконият эшиғидир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Тиббиёт

«ТУРОН»НИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИ

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШДА САНАТОРИЙЛАР ҲАМ МУҲИМ ҲАМ ТУТАЁТИР. «ТУРОН» САНАТОРИЙСИ ҲАМ ЙИРИК ШИФО МАРКАЗИ СИФАТИДА ЯҲШИ ТАНИЛГАН. УШБУ ДАРГОҲ ҲАҚИДА ГАП БОРСА, УНИ РЕПУБЛИКАМИЗДАГИ ТўНГИЧ ШИФОХОНАЛАРДАН БИРИ ДЕБ ТАЪРИФЛАШАДИ. ЧИНДАН ҲАМ УНИНГ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 60 ЙИЛ БўЛДИ.

Бу орада етти мингга яқин бемор ўз саломатлигини тиклади. Тошкент шаҳрининг шарқий қисмида денгиз сатҳидан 360 метр баландликда жойлашган бу шифобахш марказда стоматолог, гастроэнтеролог каби моҳир мутахассислар муолажалар олиб боришмоқда. Шифобахш минерал сув билан ошқозон-ичак, жигар, ўт йўллари ювилиб, бемор дардига малҳам қўйилмоқда. Таянч-бўғин хасталикларини даволашда ҳам илғор тажрибаларга асосланмоқда.

Бу ерда янги очилган 33 ўринли реабилитация бўлими хизматидан кўпчилик мамнун.

НОГИРОНЛАРГА ҲАМҲЎРСИК

ФИЗИОТЕРАПИЯ ВА САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ КЛИНИКАСИДА ҚАРИЯЛАРГА ҲАМ НАМУНАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИЛМОҚДА. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ШИФОХОНАДА ЎЗ САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАГАН ОТАХОН ВА ОНАХОНЛАР ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИДАН БАҲРАМАНД БўЛДИЛАР.

Таъкидлаш жоизки, клиникада иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳамда ногиронлари билан шуғулланувчи ташаббускор гуруҳ тузилди. Бу гуруҳ томонидан ташкил этилаётган «Давра суҳбат»ларида малакали шифокорларнинг фойдали маслаҳатларидан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳам баҳраманд бўлишаётир.

Институт клиникасида кейинги бир йил ичида мингга яқин киши шифо топди.

БЕМИННАТ ТИББИЙ ЁРДАМЛАР

МАМЛАКАТИМИЗ ШИФОХОНАЛАРИДА КЕНГ КўЛАМЛИ ТИББИЙ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУНДАЙ САҲОВАТЛИ ИШГА ЧЕТ ЭЛДАГИ ШИФОБАХШ ДАРГОҲЛАР ҲАМ ЎЗ ҲИССАЛАРИНИ ҚўШМОҚДАЛАР.

Германиядаги болалар клиникасида Ўзбекистондан олиб борилган ўнга яқин беморга малакали тиббий хизмат кўрсатилди. Жанубий Кореядаги Сеул университети ҳам хизмат кўрсатди. Олий ўқув юртининг шохлимин тиббий ёрдам илмий маркази сайё-ҳаракати билан ногирон болалардан 37 нафари пластик-реконструкциявий жарроҳлик муолажасидан яхши чиқди.

Бундай ҳомилий ёрдами туфайли ожиз кўзларга қайта зинб бахш этилди.

Ақбар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бахил одам одамларнинг энг ёмонидир. Шунинг учун ҳам Расули акрам саллаллоху алайҳи ва саллам: «**Ал-бахилу адувulloхи**», яъни бахил Аллохнинг душманидир, дедилар.

Эшитсин одамким, кулоғи қармас, Дейдилар, бахилнинг боғи қўқармас. Бахилнинг бағрида бир доғ бўлармиш, Шу доғдан ишлари чатоғ бўлармиш. Юрагинг боғ бўлса, бахиллик ятоғ, Боққа қарамасанг, янтоғ бўлармиш. Ох, боғи қўқармас, эй бахил одам. Фейлингнинг хушласмас ҳеч қачон Эгам. Бахилнинг ҳолини ҳадиси шариф, Ёмонлаб, бизларга қилади таъриф. Аллоху акбарнинг Расулulloхи, Деди: «Ал-бахилу адувulloхи». Бахилни кўр хатто гадо душманидир, Жонни фидо қилсанг, фидо душманидир. «Ал-бахилу адувulloхи» деди Расул, Демак билки, бахил Худо душманидир. Эй одамзод, одам эрсанг бахилдан қоч, Ақлу ҳушда бардам эсанг бахилдан қоч. Бахил одам Ҳақ таъоло душманидир, Агар соҳиб қадам эрсанг бахилдан қоч. «Бахил»нинг вужудига қара, лаб, бил, хил каби сўзларни кўрасан. Демак бахил одам ўз бахиллиги сари «**лаб**» юмиши керак, йўқса ярамас «**хил**»даги одамлар тоифасидан бир умр жой олади.

Бахилнинг ишига боқаман ҳайрон? Не учун ўзини қилади байрон?! Ўзи ҳам емайди, ўзигага бермас, Бировга қолдирар, олиб кетолмас. Яхшилик қилганини кўра олмайди, Яхшиининг ёнида тура олмайди. Қўшнингнинг уйида ўсса бир дарахт, Бухли кўзаб, ақли бўлади қарахт. Дўстлардан бирови минса амалга, Ўзини тушгандек сезар қамалга. Ўзига яхшилик қилса ҳам биров, Уни дўст тутмайди, балки санар ёв. Табассум қилишга қўймайди бўли, Томир отиб кетган бахиллик наҳли.

«Бахил»нинг бошу охири бирлашиб, бахилга қарата, ўз чегаранг «**бил**», деб турибди. Жон ўғлим, дунёда бўлмагин бахил, Барча билан яша дўстона, ахил. Юз йил гар уйингда тоат қилурсан, Бахилсан, Худога душман бўлурсан. Бу хилдан ўзингни мусоффо айла, Бу дарддир, кел, унга бир даво айла. Хамиша ахлоқи покиза, соз бўл, Одамлар ичиди созу мумтоз бўл!

Бахил одам ҳеч қим билан ҳечқачон дўст ва ахил бўлмайди. Гарчи «**бахил**»нинг боқини олсанг, «**ахил**» қолса-да, барибир бу «**ахил**» ҳам нуқсонлидир.

Бахилда бўлмагай асло орийат, Сени хор бўлмоғинг қилади ният. Кайдаким, яхшилик яловчи чиқар, Бахилнинг ўша он олови чиқар. Яхшига мададкор доим Аллохдир, Ҳадисга боқ, бахил «**адувulloхи**»дир. Сахийнинг қалбидан моҳи чиқади, Бахилнинг бағридан охи чиқади.

САХОВАТНИНГ ҲАҚИДА

Эй ўғлим! Саховат энг улугъ ҳислатлардан биридир. Сахий «**одам**»га «**омад**» доимо ёр бўлади, икки оламда эса иқбол унинг ҳамроҳидир.

Дунё аро сахий инсон чин инсондир, Ҳаётингил қилган осон чин инсондир. Меҳнат билан тоған ҳалол молларидан, Эли учун қилган эҳсон чин инсондир. Сахий одам умри ойдек боқий бўлар, Сахоси ҳам тошқин сойдек боқий бўлар. Номин ўчмас кўнгуллардан олам аро, Боқийликда Хотам Тойдек боқий бўлар.

«**Иқбол**» сўзига қара, унинг вужудига **бол**, **боқ**, **бил**, **ол**, **боқи**, **қобил** каби сўзларни кўрасан. Сахий одам ўз саховати билан одамларнинг отғини «**бол**» қилади. Сахий одам умри элда боқий бўлар, Шухрати ҳам қубба каби тоқий бўлар. Жаннат ичра бўлар доим шоду хандон, Кавсар узра Расулulloх соқий бўлар.

У ҳеч қачон бер демайди, аксинча «**ол**» дейди, бечоралар ҳолига «**боқ**»ади, кўнгулданг «**бил**»ишга интилади. Ўзининг «**қобил**»лиги билан савобга эга бўлиб, «**боқий**» ҳаёт топади.

Ох, қандай соз ҳислат эрур саховат, Саховатдан диллар топар ҳаловат. Саховат дил учун фароғат қони, Саховат эл учун роҳат макони. Саховат айласанг дининг пок бўлар, Дўзахдан сен учун нима бок бўлар? Аллохнинг севимли Расулulloхи, Деди: «**Ас-сахийу хабибуллохи**». Ўйинким, сахийдур Аллохнинг дўсти, Одамлар ичиди созу дурусти. Аллохнинг дўстида нечун ҳам бўлсин, Хар икки дунёда нега кам бўлсин? Тоғанин эл учун қилганда нисор, Гуноҳи тут каби тўқилур қатор.

Ўзи ейди, яна ўзига берар, Бевао бечора ҳолига қарар. Сахий одам эл учун роҳат етказди. «**Роҳат**» сўзига **боқ**, **у роҳ** (**йўл**) ва **тар** (**тоза** ва **хўл**) сўзларидан ҳабар бермоқда. Демак сахий одам одамларга «**йўл**» кўрсатади ва уларнинг ҳаётини тару тоза қилади.

Одам бўлай десанг, ўғлим, сахо қил, Бу билан ўзингни гамдан раҳо қил. Худонинг севгани бўлай деган эр, Саховат этганин маҳкам тутай, дер. Саховат хамиша шийоринг бўлсин, Фойдадан эл учун нисоринг бўлсин.

Сахий одамнинг қалби эзгу ниятларга макон бўлади. «**Макон**»га қара, унинг ўзи «**кон**»ни билдириб турибди. Демак сахий одам элга қараб «**ма**, **кон**» дейди ва борлигини сарф этади. «**Сарф**» сўзи сенга «**сар**» (**бош**) ва «**фар**» (**нур**)ни билдиримоқда. Демак молини элга сарфлаган одамнинг боши омон бўлади ва йўли эса нури бўлади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Миробод Машиини хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи жамоаси кафедра мудир. Нигора Махкамона Миржалонова турмуш ўртоғи

Ўткир Қўқорович МИРЖАЛОВНИНГ вафоти муносабати билан ҳуқур таъзия изҳор этади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Т- 07

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4398 нусxada босилади.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки
«Тошкент почта»га — 133-74-05 телефониға
мувожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Спорт



**ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИДА МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА
МАЗКУР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ КУБОГИ УЧУН
ЎТКАЗИЛГАН АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚАЛАР
НИХОЯСИГА ЕТДИ.**

Иштирокчи 8 та жамоа икки гуруҳга бўлингани ҳолда ўзаро куч синашди. А гуруҳда барча рақибларини енгиб 28:6 ажойиб тўплар нисбатига эга бўлган авиация институтининг «Авиатор» жамоаси голиб чиққан бўлса, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» (ТШТТ) филиали иккинчи ўринни эгаллади.

В гуруҳидаги бахслар янада кескинроқ кечди. Бу гуруҳда тўққиз очко тўплаган «Ўзбектелеком» АҚга қарашли шаҳар алоқа корхонаси мини-футболчилари зафар қучган бўлса, фақат тўплар нисбатига кўра Тошкент Давлат шарқ-шўнослик институти командаси иккинчи бўлди.

Ярим финалда голиб чиққан жамоалар — «Авиатор» ва



Мини-футбол

ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

«ТШТТ» ўзаро баҳс юритиб, турнир голибини аниқлашди. Айтиш керакки, финал жуда кескин ва мурасасиз тарзда ўтди. Шавкат Муҳиддинов («ТШТТ») ҳисобни очган бўлса, рақиб жамоа ҳужумчиси Юрий Удоев жавоб тўпини киритди ва биринчи бўлим 1:1 ҳисоби билан тугади. Ҳакам ҳўштаги чалинганида эса асосий вақт 3:3 ҳисоби билан якунланганди. Уйиндан кейинги пенальтилар баҳсида эса 17:16 ҳисобида «Авиатор» жамоаси голиб чиқиб, бош совринни кўлга киритди.

Учинчи ўрин учун кечган учрашувда шарқшўнослик институти жамоасини 7:1 ҳисобида енгган шаҳар алоқа корхонаси ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, учинчи анъанавий турнирда «Авиатор»



бош соврин — кўчма Кубокни кўлга киритган бўлса, совриндорларга ҳам қимматбаҳо мукофотлар топширилди. «Авиатор» ҳужумчиси Саид Саидхмедов 12 та тўп киритиб, мусобақанинг энг сермахсўл тўпурари бўлди. «Энг яхши дарвозабон» деб Жамшид Жонузоков («ТШТТ»), «Энг яхши ҳимоячи» деб эса Нодир Маюсупов (шаҳар алоқа корхонаси) топилди.

Саид Саидхмедовга «Энг яхши ҳужумчи» номинацияси бўйича ҳам голиблик насиб этди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: финал баҳси ва голибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Шайхонтохур туман 1-сонли ва Мирзо Улуғбек туман 2-сонли давлат нотариал идораларидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига танлов ўтказилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичиди куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- комиссия номига ариза;
- паспорт нусхаси;
- шахсий варақа (сўровнома);
- меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;

з) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Хўрматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

қами 10 ВВ 501 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.**

12. «ТИКО» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 537 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.**

13. «НЕКСИЯ» русумли, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 533 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 500 000 сўм.**

14. «ЗИЛ-4505» русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 081 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.**

15. «ЗИЛ-431410» русумли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 037 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.**

16. «ЗИЛ-431412» русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 081 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

17. «ПАЗ-672» русумли, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 484 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 800 000 сўм.**

18. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 520 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 6 000 000 сўм.**

19. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 503 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 7 000 000 сўм.**

20. «КРАЗ-25661» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 994 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

21. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 507 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.**

22. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 506 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 7 000 000 сўм.**

23. «КРАЗ-25661» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 907 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

24. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 510 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 6 000 000 сўм.**

25. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 501 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.**

12. «ТИКО» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 537 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.**

13. «НЕКСИЯ» русумли, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 533 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 500 000 сўм.**

14. «ЗИЛ-4505» русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 081 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.**

15. «ЗИЛ-431410» русумли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 037 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.**

16. «ЗИЛ-431412» русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 081 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

17. «ПАЗ-672» русумли, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 484 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 800 000 сўм.**

18. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 520 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 6 000 000 сўм.**

19. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 503 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 7 000 000 сўм.**

20. «КРАЗ-25661» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 994 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

21. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 507 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.**

22. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 506 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 7 000 000 сўм.**

23. «КРАЗ-25661» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АЖ 907 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

24. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 510 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 6 000 000 сўм.**

25. «МАЗ-5551-020» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 ВВ 501 бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.**

Мунажжим башорати

«ЎРМОН СЎҚМОҒИ» БЎЙЛАБ

16 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Кўёшининг бугунги жойлашши романтика, олис саёхатлар, дунёни поэтик ҳис этиш билан боғлиқ инсонлар ҳолатидан дарак беради. Куннинг рамзи «ўрмон сўқмоғи» деб аталаши ҳам бежиз эмас. Шу кунни савдо-сотик омадли бўлиши, ўлчов амалиётлари, фикрлар алмашишуви ва фойдали янги билимларни эгаллаш хайрли бўлади. Тури-туман фолбинли ва

қуръа ташлашлар учун ҳам бу кун омадли ҳисобланади.

Ой сайёрасининг бугунги ҳолати эса денгиз саёхатлари ва сув билан боғлиқ муолажалар самарали бўлишини билдиради. Бугунги кун қутилмаган ихтиролар, ҳар турли ажойиботлар билан, киёби бўлмайдигандай туюладиган боши берк кўчалардан муваффақиятли киёби кетишлар билан нишонланади.

БУГУН:

- янги муҳим ишни бошлаб юбириш;
- зарур ҳужжатларни расмийлаштириш;
- муҳтож кишиларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш;
- ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар вакиллари билан мулоқотда бўлиш, юристлар билан маслаҳатлашиб олиш;
- ўз обрў ва нуфузингиз устида қайғуришингиз тавсия этилади.

Шошқалоқлик қилиш, арзимас нарсалардан хавотирга тушиб, ўз зиммангизга воситачи вазифаларини олишни маслаҳат бермаймиз.

Кийим-кечакларнинг хаворанг, сариқ ва кўк-яшил ранглилари бугунги кунингизнинг сермазмун ўтишига ёрдам беради.